

**Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри маҳаллалари мастер-режасини ишлаб чиқиш учун  
Техник Топшириқ**

1.	<b>Мижоз (Буюртмачи)</b>	Қашқадарё вилояти ҳокимияти (Қашқадарё вилояти ҳокимияти қошидаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси )
2.	<b>Лойиҳа мақсади</b>	<p>Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шаҳарсозликни иқтисодий фаоллик, барқарорлик ва турмуш даражасини оширишнинг ҳаракатлантирувчи омили сифатида белгилаб берди. Урбанизация салоҳиятини амалга ошириш ер, уй-жой, инфратузилма ва хизматларни ташкилий ҳамда самарали таъминлашни талаб қилади. Бунинг учун замонавий илғор халқаро тажрибага мувофиқ ҳудудий ва шаҳарсозликни режалаштириш зарур.</p> <p>Ҳукумат янги режалаштириш воситаси сифатида “Мастер режа”ни жорий қилмоқда. Мастер режадан иқтисодий ривожланиш имкониятларини аниқлаш, ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш, уйғун шаҳарсозлик режаларини яратиш, давлат инвестицияларига аҳамият бериш ва хусусий секторни жалб этишни рағбатлантириш учун фойдаланиши мумкин бўлган мослашувчан ҳужжат сифатида фойдаланилади.</p> <p>Маҳаллий даражада Мастер режалар хусусий сектор томонидан иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаши, ҳудуд аҳолисининг ижтимоий фаровонлигига ва ҳаёт сифатини яхшилашга ҳисса қўшиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қондаларига риоя қилиши кутилмоқда. Шу йўл билан ҳукумат барқарор шаҳарсозликни рағбатлантиришни режалаштирмоқда.</p> <p>Ҳукумат Қарши шаҳрининг иқтисодий ривожланишини Қавали маҳалласи ҳамда унинг тўғридан-тўғри ён атрофи (биргаликда: Лойиҳа ҳудуди) учун (Маҳаллий) Мастер режани тайёрлаш орқали қўллаб-қувватлашни мақсад қилган. Лойиҳа ҳудуди Қашқадарё вилоятининг маркази Қарши шаҳрида жойлашганлиги сабабли ривожланиш салоҳиятига эга деб топилди. 10-бўлимда Лойиҳа ҳудуди ва Қарши шаҳри бўйича умумий ва статистик маълумотлар мавжуд. Лойиҳа ҳудудининг аниқ чегараси Консультант/Компания ва Буюртмачи ўртасида 1-топшириқдаги таҳлил асосида келишиб олинади ва у ўзгариши мумкин – максимал майдон ҳажми 168.2 гектар бўлиши кутилмоқда. Консультант/Компаниядан Лойиҳа ҳудудини текшириш ва бирон-бир ўзгартириш киритиш керакми ёки йўқлигини таклиф қилиш сўралади.</p> <p>Мастер режаларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар/туман ҳокимининг биринчи ўринбосари бошчилигида Лойиҳа офиси тузилган. Лойиҳа офиси мижоз билан биргаликда сўровлар, тренинглар ўтказиш, статистик маълумотлар ва бошқа зарур маълумотларни тўплашда ёрдам беради.</p> <p>(Маҳаллий) Мастер режани ишлаб чиқишдан мақсад:</p>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Хизмат кўрсатиш соҳасига эътибор қаратган ҳолда Қарши шаҳрини, шунингдек Лойиҳа ҳудудини ривожлантириш учун энг яхши салоҳиятга эга бўлган иқтисодий фаолият турларини аниқлаш.</li> <li>• Манфаатдор томонлар билан, жумладан маҳаллий ҳокимият, хусусий сестор ва фуқоролик ташкилотлари билан умумий тасаввурларни, мақсадларни яратиш.</li> <li>• Ушбу тасаввурлар ва мақсадларга эришиш учун қандай давлат ва хусусий инвестициялар зарурлигини аниқлаш.</li> <li>• Ушбу инвестициялар мувофиқлаштирилган тарзда амалга оширилишини таъминлайдиган ҳудудий Мастер режани ишлаб чиқиш (жумладан, техник-иқтисодий асослаш, амалга ошириш босқичлари ва бошқалар).</li> <li>• Хусусий сектор томонидан ривожлантириладиган ер участкаларини аниқлаш ва ушбу участкалардан фойдаланиш йўналишлари ва уларга қўйиладиган талаблар қўлланилишини аниқ кўрсатиш.</li> </ul> <p>Мастер режа 2022-2026 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган.</p>
3.	<b>Асосий вазифалар</b>	<p>Лойиҳа 6 та асосий вазифадан ташкил топган:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. <b>Таҳлил:</b> Қарши шаҳрининг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олган ҳолда Лойиҳа ҳудудининг жорий ҳолатини (ердан фойдаланиш, иқтисодиёт, инфратузилма ва атроф-муҳит) таҳлил қилиш.</li> <li>2. <b>Иқтисодий ривожланиш салоҳияти:</b> Лойиҳа ҳудудида турли иқтисодий фаолият (хизматлар, савдо, туризм, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш) салоҳиятини баҳолаш ҳамда имкониятлар ва муаммоларни аниқлаш.</li> <li>3. <b>Маҳаллаларни ривожлантириш тасаввурлари, мақсадлари:</b> Лойиҳа ҳудудини келгусида ривожлантириш учун маҳаллий манфаатдор томонлар билан келишган ҳолда, уларнинг таклифлари асосида Маҳаллаларни ривожлантириш концепциясини – мастер-режасини ишлаб чиқиш.</li> <li>4. <b>Таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари:</b> Хусусий секторни жалб қилиш салоҳиятига эга бўлган инфратузилма ва лойиҳаларга давлат томонидан зарур инвестицияларни аниқлаш. Ушбу лойиҳалар учун талаб этиладиган давлат ва хусусий инвестициялар ҳамда лойиҳалар ҳажмини, шунингдек кутилаётган ижтимоий-иқтисодий натижаларни, фойдани (янги иш ўринлари; иқтисодий ўсиш) ҳисоблаш.</li> </ol>

		<p><b>5. Ердан фойдаланиш билан мастер режа харитаси:</b> Инвестицион лойиҳаларнинг (ҳам давлат, ҳам хусусий) жойларини кўрсатадиган (худудга монан) ердан фойдаланиш режасини тузиш ва эрхитектура кўрсатмалари ҳамда батафсил дизайнларни яратиш.</p> <p><b>6. Ер участкаларини аукцион орқали сотишда фойдаланадиган участка паспортлари:</b> Қайси ер участкаларини ер сотиш (аукцион) йўли билан хусусий секторга сотиш мумкинлиги ва ҳар бир ер участкасида функциялари (зоналарга ажратиш) ва қурилиш ҳажми бўйича нималарга рухсат берилиши, қандай экологик чекловлар (мавжуд бўлса) қўлланилишини белгилаш.</p> <p>Ҳар бир вазифанинг мазмуни қуйида батафсил кўрсатилган</p>
4.	<b>Вақт режаси (муддат)</b>	<p>Лойиҳа <b>3,5 ой</b> давом этиши ва қуйидаги лойиҳа жадвали кўринишида якунланиши кутилмоқда</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• 1-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 2 ой ичида якунланиши</li> <li>• 2-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 2 ой ичида якунланиши</li> <li>• 3-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3 ой ичида якунланиши</li> <li>• 4-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3 ой ичида якунланиши</li> <li>• 5-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3 ой ичида якунланиши</li> <li>• 6-вазифа: лойиҳа бошланганидан кейин 3,5 ой ичида якунланиши</li> </ul>
5.	<b>Батафсил иш ҳажми, ҳисобот материаллари ва натижалари</b>	
5.1	<b>1-вазифа:</b>  <b>Лойиҳа ҳудуди ва имкониятлар/хатарларни таҳлил қилиш.</b>	<p><b>Консультант/Компаниядан қуйидаги чора-тадбирларни (ишларни) кутилмоқда:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа ҳудудида мавжуд иқтисодий фаолиятни (қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш, савдо ва логистика) ва иш ўринлари сонини аниқлаш. Агар аниқ маълумотларни олишнинг иложи бўлмаса ёки маълумотлар нотўғри кўринса, тахминлар тақдим этилиши керак. Асосий эътибор икки маҳаллага қаратилсада, таҳлилда муҳим инфратузилма ёки иқтисодий фаолиятга эга бўлиши мумкин бўлган яқин атроф ҳудудларини ҳам ҳисобга олиш керак.</li> <li>• Шаҳарсозлик таҳлили: Лойиҳа ҳудудининг шаҳардаги жойлашуви, асосий инфратузилма, яшил тузилма ва ландшафт, муҳим жамоат жойлари, иқтисодий функциялар ва ҳоказолар.</li> <li>• Давлат хизматлари ва уларнинг мавжудлиги (таълим, тиббиёт ва бошқалар)</li> <li>• Ўртача даромадлар, уй-жой нархи, ўртача таълим даражаси, камбағаллик даражаси бўйича Лойиҳа ҳудуди учун ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар. Агар аниқ маълумотлар олинмаса, манфаатдор томонлар билан суҳбатлар асосида тахминлар тақдим этилиши керак.</li> <li>• Лойиҳа ҳудуди (ва унинг иқтисодий фаолияти) етарли ва самарали инфратузилма ва коммунал хизматлар билан таъминланганлигини баҳолаш.</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• 20-25 нафар манфаатдор томонлар, жумладан маҳаллий ҳокимият вакиллари, Лойиҳа ҳудуди/шаҳардаги бизнес эгалари ва маҳаллий ҳамжамият (Маҳалла фаоллари) билан суҳбатлар.</li> </ul> <p><b>1- вазифа натижаси:</b></p> <p>1-Ҳисобот: Мавжуд вазиятни хулосалар билан "таҳлил қилиш" (Ворд, ПДФ форматларида), шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• шаҳарсозлик таҳлилининг хариталари ва инфографикаси (шаҳар тузилмаси, инфратузилма, коммунал хизматлар, яшиллик ва сув) ва лойиҳа ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига оид маълумотлар жадваллари/тушунтиришлари.</li> <li>• Лойиҳа ҳудудида (ва унинг яқин атрофи) ердан фойдаланиш хусусиятлари ва ҳудуддан фойдаланишдаги ҳар қандай (экологик) чекловлар, мавжуд вазиятнинг харитаси(лар)и.</li> <li>• Сўров ўтказилган манфаатдор томонларнинг (маҳаллий ҳокимлик, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар) лойиҳа ҳудудининг жорий ҳолати ва келажақдаги ривожланиши бўйича асосий масалалари, хулосалари ва хавотирлари.</li> <li>• Лойиҳа ҳудудини ривожлантириш учун чекловлар ва имкониятлар тўғрисида хулоса чиқариш учун зарур бўлган ҳар қандай бошқа таҳлилий материаллар</li> <li>• Лойиҳа ҳудудининг кучли, заиф томонлари, имкониятлари ва таҳдидларини (SWOT) кўрсатувчи таҳлил хулосаси</li> </ul>
5.2	<p><b>2-вазифа:</b></p> <p><b>Иқтисодий ривожланиш таҳлили</b></p>	<p><b>Консультант/Компаниядан қуйидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириш кутилмоқда:</b></p> <p>2-вазифа Лойиҳа ҳудудининг иқтисодий ривожланиш салоҳиятини аниқлашга қаратилган. Бу ҳудудда ўсишни рағбатлантириш, иш ўринларини яратиш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш учун муҳим бўлиши мумкин бўлган иқтисодий омилларни аниқлаш орқали амалга оширилади.</p> <p>Консультант/Компаниядан Лойиҳа ҳудудида инвестициялар яратиш ва ривожланиш учун энг юқори салоҳиятга эга бўлган истиқболли иқтисодий «омиллар»ни аниқлашда ўз тажрибасидан фойдаланишни ва шу орқали улар жойлашган шаҳарларнинг иқтисодий ўзгаришига ҳисса қўшиши сўралади.</p> <p>Бундай «омиллар»ни аниқлашда қуйидаги элементларга асосланганлиги назарда тутилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа ҳудуди жойлашган шаҳар ва минтақанинг жорий иқтисодий профили.</li> <li>• Малакаси даражасини кўрсатган ҳолда Ишчи кучи (маҳаллий ва шаҳар) таҳлили.</li> </ul>

- Лойиҳа ҳудудида ёки унинг атрофида кенгайтирилиши ёки тегишли хизматлар/фаолиятлар билан мустақамланиши мумкин бўлган мавжуд иқтисодий фаолият, фойдаланиш мумкин бўлган мавжуд маҳаллий ресурслар (ёдгорликлар ёки туризм учун маданий мерос объектлари, маҳаллий ҳунармандчилик ёки озик-овқат ихтисослиги).
- Лойиҳа ҳудудининг шаҳардаги жойлашувидан келиб чиқадиган потенциал ва унинг ривожланиши кенгрок шаҳар контекстига қандай боғлиқ бўлиши (масалан, шаҳар марказига яқин жойлар учун тижорат кўчмас мулклари ва бошқалар).
- Ўзбекистон шароитида ҳам мос бўлиши мумкин бўлган ривожланишнинг айрим турларини кўрсатувчи халқаро тажрибалар ёки ривожланиш даражаси ўхшаш шаҳарларнинг кўрсаткичлари.

Лойиҳа ҳудудлари шаҳарнинг марказий қисмида жойлашганлиги сабабли, ривожланишнинг асосий эътибори хизмат кўрсатиш соҳасига (тижорат хизматлари, кўчмас мулк, савдо, туризм, ҳунармандчилик ёки энгил ишлаб чиқариш) қаратилиши кутилмоқда. Ўзбекистон хизмат кўрсатиш соҳасини келгуси ўн йилликларда, хусусан, шаҳарларда иқтисодий ривожланишнинг асосий омили сифатида белгилаб берди. Ушбу шаҳарларда саноат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолияти камроқ мос келади.

Ҳар бир аниқланган иқтисодий фаолият учун келгуси йиллар учун тахминий талабни (м<sup>2</sup> ялпи майдонда) аниқлаш (икки босқичда: 2026 йилгача 1-босқич; иккинчи босқич 2027-2030). Мақсад лойиҳа ҳудудида реал ишлаб чиқилиши мумкин бўлган қурилиш ҳажмлари ҳақида тушунчага эга бўлишдир. Бу давом этаётган қурилиш лойиҳалари бўйича шаҳар миқёсида маълумотлар етарли эмаслиги сабабли, бу "энг яхши ҳисоб-китоблар" бўлиши тушунилади. Бундай ҳисоб-китобларни тақдим этиш учун манфаатдор томонлар билан суҳбатлар (банклар, маҳаллий ишлаб чиқувчилар), халқаро мисоллар (кўрсаткичлар), шунингдек, эҳтимол иқтисодий моделлаштиришдан фойдаланиш тавсия этилади.

Агар 1-вазифадаги таҳлил лойиҳа ҳудуди драйвери сифатида туризм салоҳиятига эга эканлигини кўрсатса, куйидаги саволларни ўрганиш керак бўлади:

- Лойиҳа ҳудудининг сайёҳлик салоҳияти қандай – ташриф буюрувчилар учун нимани кўриш ва нима қилиш керак? Қандай қизиқарли жойлар бор?
- Қандай турдаги ташриф буюрувчиларни жалб қилиш мумкин (мақсадли гуруҳлар) ва улар қаердан? Халқаро сайёҳлар, болали оилалар, тарих ва маданий меросга қизиқувчи қариялар ва ҳоказо. Улар ёлғиз ёки гуруҳ бўлиб саёҳат қиладими?
- Ушбу мақсадли гуруҳлар ташриф буюрувчилар тажрибаси ва мавжуд хизматлар нуқтаи назаридан нимани кутишади? Ҳашаматли меҳмонхоналар ёки маҳаллий меҳмонхоналар? Улар одатда қанча ва нимага харажат қилишади?

		<p>D. Лойиҳа ҳудудида нималар мавжуд ва нима етишмаяпти? Етишмаётган хизматлар/фаолиятлар қандай тақдим этилиши мумкин? Жозибатор таклифни яратиш учун улар қаерда жойлашган бўлиши керак?</p> <p>E. Маркетинг ва коммуникация: аниқланган мақсадли гуруҳларни лойиҳа ҳудудига қандай жалб қилиш мумкин? Қандай қилиб мулоқот Қарши/Қашқадарёга ташриф буюрувчиларни жалб қилиш учун кенгрок режа/ёндашувнинг бир қисми бўлиши мумкин?</p> <p><b>2- вазифа натижаси:</b></p> <p>2-Ҳисобот: "Иқтисодий ривожланиш салоҳияти" (ворд / пдф формати) ўз ичига олади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа ҳудуди учун аниқланган иқтисодий драйверлар/фаолиятлар, таҳлил ва маълумотлар жадваллари ва тавсия этилган танлов учун аниқ асослар/тушунтиришлар билан тасдиқланган ҳолда.</li> <li>• Манфаатдор томонлар билан суҳбатлар ва Консультант/Компаниялар тажрибасига ва кўрсаткичларига асосланган ҳар бир иқтисодий фаолият учун тахминий курилиш ҳажмлари билан маълумотлар жадвали – тушунтириш билан.</li> <li>• Аниқланган иқтисодий тармоқларда яратилиши мумкин бўлган иш ўринлари сонининг ҳисоб-китоби (тўғридан-тўғри ва билвосита/ қўшимча (spin-off) бандликни ҳисобга олган ҳолда).</li> <li>• Туристик салоҳият мавжуд бўлганда; Лойиҳа ҳудудига қайси мақсадли гуруҳларни жалб қилиш мумкинлиги, улар қандай хизматлар ва тадбирларни кутишлари ҳақида тушунтириш; инвестициялар билан (инфратузилма; кўчмас мулк; бошқарув; алоқа) талаб қилинади.</li> </ul>
5.3	<p><b>3-Топширик:</b></p> <p><b>«Тасаввурлар, мақсадлар» ва маҳаллалар концептуал дизайни</b></p>	<p><b>Консультант/Компаниядан қуйидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириши кутилмоқда:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Фуқаролар, давлат вакиллари ва хусусий сектор вакиллари билан ўтказилган суҳбатлар асосида қисман Лойиҳа ҳудудини ривожлантириш тасаввурлари, мақсадлари тайёрланади (1-вазифа). Тасаввур, мақсад - Лойиҳа ҳудудида эришилиши керак бўлган бир қатор мақсадларда янада аниқланади.</li> <li>• Тасаввур, мақсад “Маҳалла концептуал дизайни”да тасвирланган бўлиб, у лойиҳа ҳудудини ривожлантиришнинг асосий концепциясини кўрсатувчи схематик харита бўлиши керак: асосий инвестициялар, инфратузилмани яхшилаш, жамоат майдонини янгилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чоралари ва ҳок.</li> <li>• Тасаввур, мақсад ва Маҳалла концептуал лойиҳалари бўйича кўмак ва фикр-мулоҳазаларни олиш учун асосий манфаатдор томонлар (ҳукумат, маҳалла фаоллари, хусусий сектор) билан учрашув(лар)ни ташкил қилиш.</li> </ul>

		<p><b>3- топширик натижаси:</b></p> <p>3-ҳисобот “Тасаввур, мақсад ва Маҳалла концепция лойиҳаси” (Ворд / пдф), унга киритилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Лойиҳа ҳудуди тасавури ва уни ривожлантириш мақсадлари. Бу мавжуд иқтисодий ривожланиш имкониятларини ва зарур инфратузилмани яхшилашни акс эттириши керак.</li> <li>• Лойиҳа ҳудудини «яшил» ва «барқарор» усулда ишлаб чиқишни схематик кўрсатувчи Маҳалла концепцияси лойиҳаси.</li> <li>• Бу манфаатдор томонларга тасаввур ва Маҳалла концепцияси лойиҳасини аниқ етказадиган матн ва визуал / инфографикадаги тушунтиришлар билан бирга бўлиши керак.</li> </ul>
5.4	<p><b>4-вазифа:</b></p> <p><b>Таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари</b></p>	<p><b>Консультант/Компаниядан қуйидаги фаолиятлар кутилмоқда:</b></p> <p>4-вазифа 3-вазифадаги тасаввур, мақсадга эришиш учун қайси инвестицион лойиҳалар ва ҳаракатлар зарурлигини аниқлайди. Бунга, масалан, ушбу лойиҳаларни ўз ичига олиши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инфратузилмавий қулайлик учун инвестициялар (йўллар; жамоат транспорти; кўприклар; темир йўл кесишмалари).</li> <li>• Чиқиндиларни, бўш ерларни тозалаш, чиқиндиларни йиғиш каби атроф-муҳитни бошқариш бўйича зарур чоралар.</li> <li>• Давлат хизматларига (мактаблар, тиббий хизматлар ва бош.) талаб қилинадиган инвестициялар.</li> <li>• Муҳим жамоат жойларини қайта лойиҳалаш, жумладан, пиёдалар маршрутлари, белгилар, ёритиш, тўхташ жойлари, автобус бекатлари ва бошқалар.</li> <li>• Тарихий диққатга сазовор жойлар ёки тарихий биноларни асраш ёки қайта таъмирлаш.</li> <li>• Офислар, тижорат бинолари, савдо объектлари, меҳмонхоналар, дўконлар ёки ресторанлар каби янги кўчмас мулк учун инвестиция лойиҳалари.</li> </ul> <p>Белгиланган ҳар бир инвестиция лойиҳалари ва тадбирлари учун юқори даражадаги харажатлар/инвестиция сметалари (контцепция лойиҳаси даражасида) тақдим этилиши ва жадвалга киритилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Инвестициялар тури (тижорат бинолари; асосий инфратузилма; давлат хизматлари).</li> <li>• Инвестицияларнинг тахминий ҳажми (капитал харажатлар).</li> </ul> <p>Шунингдек инвестицияларнинг қайси бири хусусий сектор томонидан, қайси бири ҳукумат томонидан амалга оширилиши кутилаётгани ва қайси бири биргаликда амалга оширилиши мумкинлиги аниқланиши керак. Масалан,</p>

		<p>Давлат-хусусий шерикликда. Бу таклиф қилинган / кутилаётган молиялаштириш манбалари бўйича (шу жумладан маҳаллий / миллий ҳукумат органлари) жадвали ўз ичига олиши керак.</p> <p>Маҳаллаларни ривожлантириш концепциясининг якуний жадвали барча таклиф қилинган лойиҳаларни ўз ичига олган ҳолда кўрсатилиб киритилиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Давлат инвестицияларининг умумий ҳисобланган миқдори.</li> <li>• Хусусий сектор инвестицияларининг жами кутилаётган миқдори.</li> <li>• Иш ўринларини яратиш ва иложи бўлса, иқтисодий ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича кутилаётган ижтимоий-иқтисодий фойда (масалан, асосий кўрсаткичлар асосида Лойиҳа ҳудудида янги корхоналар учун кутилаётган йиллик айланма).</li> </ul> <p><b>4- вазифа натижаси:</b></p> <p>"Таклиф этилаётган инвестиция лойиҳалари" ҳисоботи (ворд / пдф) кўрсатган ҳолда:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аниқланган иқтисодий драйверлар (2-вазифа) ва Маҳаллаларни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш (3-вазифа) асосида таклиф этилаётган инвестиция лойиҳаларини қисқача тавсифи билан кўриб чиқиш</li> <li>• Ҳар бир лойиҳа учун харажатлар сметаси ва инвестициялар давлат сектори, хусусий сектор ёки умумий секторга тегишли эканлигини аниқлаш.</li> <li>• Давлат ва хусусий сектор инвестициялари, шунингдек, иш ўринларини яратиш бўйича кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самараларнинг якуний жадвали.</li> </ul>
5.5	<p><b>5-вазифа:</b> <b>Мастер-режа</b></p>	<p><b>Консультант /компаниядан қуйидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириш кутилмоқда:</b></p> <p>4-вазифа билан параллель равишда таклиф этилаётган инвестициялар – (маҳаллий) мастер-режа ишлаб чиқилиши керак. Мастер режа маҳаллаларни лойиҳалаш концепциясига асосланади (3-вазифа), лекин батафсилроқ хариталар билан ва унда тавсия этилган инвестиция лойиҳалари жойлашуви кўрсатилган (4-вазифа) бўлади.</p> <p>Мастер режа инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаши керак (масалан, ривожланиш лойиҳалари мантиқий жойларда жойлашганлиги, транспорт яхши ташкил этилганлиги, танланган инфратузилма инвестицияларининг мантиқийлиги, ҳар қандай диққатга сазовор жойлар ва маданий мерос объектлари тегишли даражада ҳимояланганлиги). Энг яхши халқаро тажрибаларни таъминлаш учун (ердан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни бошқариш, барқарор ривожланиш) "Яхши шаҳарсозлик режалаштириш" усулини қўллаш керак.</p>



Мастер режа камида қуйидаги компонентлардан иборат бўлиши керак:

- Масалан, схематик хариталар (а) инфратузилма тармоғи ва жамоат транспорти; (б) яшил майдонлар; в) иқтисодий ривожланиш; (г) давлат хизматлари ва ижтимоий объектлар (масштаб 1:10 000 ёки 25 000).
- Ердан фойдаланиш харитаси (а) ҳудудни чегаралаш; (б) рухсат этилган қурилиш ҳажми (FAR); (с) қурилиш рухсат этилмайдиган майдонлар, агар мавжуд бўлса (д) мавжуд экологик чекловлар (дарёларнинг тошқиндан ҳимоя қилиш зоналари каби) Карта масштаби 1:5 000 ёки 1:10 000. Autocad файл форматида. Ердан фойдаланиш харитаси матнли тушунтириш билан бирга бўлиши керак.
- Биноларнинг ташқи кўриниши ва жамоат жойлари дизайнини белгилайдиган архитектура дизайни бўйича қўлланма (архитектура услуби мисоллари ва тушунтиришлари билан).
- Плакат(лар) тақдимотида, масалан маҳаллий ҳокимият идораси ёки маҳаллада фойдаланиш мумкин бўлган хариталар ва рендерлар билан таклиф этилаётган ечимлар (архитектура/ландшафт/жамоат майдони).

#### **1-босқич учун батафсил дизайн:**

Бундан ташқари, шаҳарсозликни ривожлантиришга устувор аҳамият бериладиган 1-босқич ҳудуди учун батафсил лойиҳалаш (масштаб 1:500 дан масштаб 1:2000 гача) талаб қилинади. Консултант/компаниядан лойиҳа ҳудудида иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак бўлган ушбу соҳани аниқлаши сўралади. Буюртмачи томонидан маъқуллангандан сўнг, йўллар ва жамоат жойларининг батафсил лойиҳаси, шунингдек, биноларнинг жойлари (ҳажми, излари) ва бузилишлари (муаммолар) ва уларнинг тавсия этилган дизайни учун маълумотнома расмлари тузилади. У кўча жиҳозлари, ёриткичлар (кўча чироқлари), яшил майдонлар (яшиллик), пиёда ва велосипед инфратузилмаси, тўхташ жойлари ва бошқа барча зарур инфратузилма / иншоотларни ўз ичига олади. Шунингдек, қайси ҳудудлар умумий фойдаланиш жойларига айланиши ва қайси участкалар хусусийлаштириш мумкинлиги кўрсатилади. Лойиҳада Ўзбекистон иклими (соя билан таъминлаш; курғоқчиликка чидамли ўсимлик турлари) ҳисобга олиниши керак. 1-босқичдаги майдонининг кутилаётган ҳажми 5-10 гектар оралиғида бўлиши кутилмоқда.

#### **5- вазифа натижаси :**

5-ҳисобот ўз ичига ердан фойдаланиш харитаси, схемалари, чизмалари ва тушунтиришлардан ҳамда 1-босқич майдони учун батафсил дизайн (режалаштириш лойиҳасидан) иборат бўлади.

4 ва 5-вазифалар натижаларини битта ҳисоботга киритилиши мумкин.

5.6	<b>6-вазифа:</b>  <b>Ерларни аукционга чиқариш/ хусусийлаштиришни кўллаб-қувватлаш</b>	<b>Консультант /компаниядан қуйидаги чора-тадбирларни (ишларни) амалга ошириш кутилмоқда:</b> 6-вазифа хусусий сектор томонидан тижорат фаолиятини (бизнес) ривожлантириш учун ажратиладиган ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнини кўллаб-қувватлашдан иборат. Бунда, инвесторга участкадан қандай фойдаланиш мумкинлигини аниқ кўрсатувчи “ер участкаси паспорти” яратиш орқали амалга ошириш кутилмоқда. " ер участкаси паспорти" қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ер участкаларида ривожлантиришга рухсат этилган қоидалар, йўналишлар / зоналаштириш.</li> <li>• Рухсат этилган қурилиш ҳажми (FAR), шунингдек, рухсат этилмайдиган майдонлар (агар мавжуд бўлса).</li> <li>• Амалий архитектура меъморий кўрсатмаларга, қоидаларга риоя қилиш.</li> <li>• Мавжуд экологик чекловлар.</li> <li>• Яшил қурилиш технологиялари бўйича қўлланилиши мумкин бўлган талаблар бўйича таклифлар.</li> </ul> Ушбу маълумотлардан ер участкаларини Қурилиш вазирлигининг онлайн аукцион веб-сайтида эълон қилиш учун фойдаланилади.  <b>6-вазифа натижаси:</b> Ҳар бир ажратилган ер участкаси учун биттадан “ер участкаси паспорти”.
6.	<b>Бошқа хусусиятлар</b>	Амалга ошириладиган ишлар, чора-тадбирлар амалдаги техник регламентларга, қоидаларга асосан, сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши керак. Расмийлаштириладиган ҳужжатлар халқаро стандартларга жавоб бериши керак.  Консультант/ Компания иш натижаларига (ҳужжатларга) бўлган барча ҳуқуқларни ҳамда учинчи шахсга бермасликни кафолатлайди.
7.	<b>Амалий натижалар</b>	Ҳужжатлар ва ҳисоботлар “pdf” ва «word” форматда. Батафсил чизмалар ва дизайнлар «Autocad» форматда. Схематик ва концептуал карталар/чизмалар Консультант/ Компания томонидан белгиланган форматда бўлади. Чизмалар, карталар ва дизайнлар асл форматда (.dwg; .ai; .psd).
8.	<b>Бюджет</b>	Максимал 150.000 АҚШ доллар
9.	<b>Баҳолаш мезонлари</b>	Консультант/ Компания таклифлари қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади: <ul style="list-style-type: none"> <li>• Техник баҳолаш сифати (Тасаввур, мақсад + ёндашув): 30%</li> <li>• Лойиҳа гуруҳининг сифати (ходимлари сифати): 20%</li> <li>• Портфолио ва ўхшаш лойиҳалар (тажриба): 20%</li> <li>• Иш режаси (жадвали): 10%</li> <li>• Молиявий таклиф (нархи): 20%</li> </ul>

10.	Худуд тўғрисида дастлабки маълумотлар	<p><b>“Қавали” МФЙ худудлари, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри худудида жойлашган.</b>          Координаталари - 38°50'43.51"С 65°50'39.76"В  <b>“Қавали” МФЙ</b> худуди “Араловул”, “Гунгон”, “Ғофур Ғулом” маҳаллалари билан чегарадош          Худуди: Умумий худуди – 168.2 гани ташкил этади.  <b>Худудда умумий аҳоли сони – 6000 тани ташкил этади.</b> Шундан;</p> <p><b>“Қавали” МФЙ</b> худудида 6000 нафар аҳоли истиқомат қилади, 1250 та ҳонадон. Аёллар сони 2950 нафар, Эркаклар сони 3050 нафар. 3000 нафар аҳоли меҳнатга лаёқатли, иқтисодий фаол аҳоли 2840 та, ишсизлар сони 45 нафар (шундан 2022-йилда мактаб битирувчилари сони – 231 нафар ўқувчи).</p> <p>"Қавали" МФЙ (кейинги ўринларда матнда “Маҳалла-3” деб юритилади) таркибига 1 та мактаб, 4 та МТТ, 15 та савдо дуконлари, фермер хўжаликлари йуқ, 5 та саноат, 46 та хизмат кўрсатиш, ўтовли лагер дам олиш маскани йуқ.</p> <p style="text-align: center;"><b>Хизмат ва савдо соҳасини иқтисодий кўрсаткичлари</b></p> <p>Шаҳарда 2017 – йилда хизмат кўрсатишнинг ўсиш суръати 194,4 млрд сўмни, 2018 – йилда 226,8 млрд сўмни, 2019 – йилда 288,1 млрд сўмни, 2020-йилда 367,9 млрд сўмни ташкил этиб, 2021- йилда 541,4 млрд сўмни ташкил этди.</p> <p><b>Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш ҳажми</b> 2017 йилда 756,6 минг сўмни, 2018 йилда 865,0 минг сўмни, 2019 йилда 1064,0 минг сўмни, 2020 йилда 1349,5 минг сўмни, 2021 йилда 1950,4 минг сўмни ташкил этди.</p> <p><b>Савдони ўсиш суръати</b> 2017 йилда 483.7 млрд сўмни, 2018 йилда 752.6 млрд сўмни, 2019 йилда 933.3 млрд сўмни, 2020 йилда 1075.5 млрд сўмни, 2021 йилда 1102.4 млрд сўмни ташкил этди.</p> <p><b>Аҳоли жон бошига савдо ҳажми</b> 2017 йилда 1952.1 минг сўмни, 2018 йилда 2812.1 минг сўмни, 2019 йилда 2228.2 минг сўмни, 2020 йилда 3945.3 минг сўмни, 2021 йилда 3028.3 минг сўмни ташкил этди.</p> <p><b>Аҳоли ўсиш суръати</b> 2017 йилда 3.2 минг кишини, 2018 йилда -3.8 минг кишини, 2019 йилда – 4.3 минг кишини, 2020 йилда – 5.2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 6.0 минг кишини ташкил қилди. 5 йил ичида аҳоли сони 5.9 фоизга ортди.</p> <p>Аҳоли зичлиги – 103.2 киши/кв.км</p> <p><b>Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари</b> сони 2017 йилга нисбатан 112 та, 2018 йилга нисбатан 189 та, 2019 йилга нисбатан 271 та, 2020 йилга нисбатан 308 та, 2021 йилга нисбатан 762 та.</p> <p><b>“Қавали” МФЙ худудининг ўрта ва узок муддатли истиқболга мўлжалланган ривожланиш стратегияси</b></p> <p>2022-2026-йилларда ишлаб чиқариш умумий ҳажмини 5.5 баробарга, хизматлар ҳажмини 5.2 баробарга, қурилиш ишларини 6.5 баробарга ўсиши, ишсизлик даражасининг 7.5 дан 2.3 фоизга пасайиши, 5 йил давомида 1200</p>
-----	---------------------------------------	--

		<p>дан ошиқ янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни 2 баробарга қисқартириш, 210 тага яқин кичик бизнес субъектларини ташкил этиш.</p> <p>2022 йилда <b>савдо ўсиш суръати</b> 2540,0 млн.сўмни, 2023 йил да 3785,0 млн.сўмни, 2024 йилда 4987,0 млн.сўмни, 2025 йилда 6245,0 млн.сўмни, 2026 йилда 8456,0 млн.сўмни ташкил этади. 5 йил ичида савдонинг ўсиш суръати прогнози 8.2 баравар ошади.</p> <p>2022 йилда <b>хизматнинг ўсиш суръати</b> 2340,0 млн.сўмни, 2023 йилда 4 517,0 млн.сўмни, 2024 йилда 8 745,0 млн.сўмни, 2025 йилда 10 250,0 млн.сўмни, 2026 йилда 12 380,0 млн.сўмни ташкил этади.</p> <p>5 йил ичида хизматнинг ўсиш суръати прогнози 12.5 баравар ошади.</p>
--	--	--